

ЎСМИР ВА ОТА-ОНАЛАР МУНОСАБАТЛАРДАГИ НИЗОЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ ЙЎЛЛАРИ

Эшмурадов Олмосбек Эломонович

Termiz davlat pedagogika instituti Psixologiya kafedrasi doçenti v. b

Норматова Д

Жиззах вилояти Галлаорол тумани 19-мактаби психологи

Агрессия - латин тилидаги "agressio" сўзидан олинган бўлиб, босқинчилик, ҳужум қилиш деган маънони беради ва деструктив хулқ шаклига киради. У жамиятда яшовчи кишиларнинг ҳаётий меъёр ва қоидаларига зид бўлиб, атрофдаги жонли ва жонсиз объектларга жисмоний зарар етказиш маъносини билдиради. Инсоннинг агрессивлиги ва агрессияга мойиллиги унинг индивидуал ривожланиш хусусиятлари билан белгиланади. Агрессив хулқни пайдо бўлишида кўпгина омиллар, жумладан ёш индивидуал хислатлар, жисмоний ва ижтимоий шароитлар ўрин тутаяди, лекин кўпгина тадқиқотчиларнинг фикрича ижтимоий муҳит бевосита катта роль ўйнайди.

Оила муҳотида бола ижтимоийлашувнинг илк қонун-қоидаларини ўрганади, шунинг учун ундаги дастлабки агрессияни келтириб чиқарадиган омиллар ҳам оилада юзага келади. Ижтимоийлашув – инсон томонидан жамиятда ҳаёт кечирish имконини берувчи билимлар, нормалар ва қадриятлар тизимининг ўзлаштирилиши жараёни.

Қуйидаги оилавий омиллар ўсмирнинг оилада ва ундан ташқарида агрессив бўлиб қолишларига сабаб бўлиши мумкин:

- ота-оналарнинг ўсмирдаги ўзларига ёқмаган жиҳатларига нисбатан муносабатлари;
- ота-оналар ва ўсмир ўртасидаги муносабат;
- оиладаги муҳитнинг ҳолати;
- ака-укалар ва опа-сингиллари билан муносабатнинг характери.

Оиланинг тўлиқ ёки тўлиқ эмаслиги ҳам агрессивлиқнинг ривожланишида муҳим омиллардан бири ҳисобланади.

Йирик психолог-олим Фроммнинг таъкидлашича, агрессивлиқ икки хил "ижобий" ва "салбий" кўринишда бўлади. Биринчиси ҳавф туғилганда пайдо бўлиб, ҳимояланиш вазифасини бажаради. Ҳавф йўқолиши билан агрессив хулқнинг бу формаси ҳам кузатилмайди. "Салбий" кўринишдаги агрессив хулқга эга шахс эса қаттиққўллик ва шафқатсизликни ўзида мужаассам қилган бўлиб, бу шахснинг тузилиши билан боғлиқ бўлади.

Агрессив хулқ ҳаракатларини кўпинча инсоннинг ёши билан боғлиқ хислатлари белгилайди. Ҳар бир ёш босқичи ривожланишнинг ўзига хос вазиятига эга ва шахсга нисбатан муайян талабларни илгари суради. Ўсмирларда агрессив хулқ муаммоси ҳозирги кунда жуда долзарб ҳисобланади. Мактаб ўқитувчиларининг таъкидлашларича йилдан-йилга ўқувчилар билан ишлаш қийинлашиб бормоқда, улар баъзида ўқувчиларга қандай чора кўришга ҳам ҳайрон бўлмоқдалар.

Тадқиқотларнинг кўрсатишича, ўрта мактаб ёшидаги ўқувчиларни ва ўсмир болаларни агрессив бўлиб қолаётганларини куйидаги белгилар орқали билиб олса ҳам бўлади:

- бошқа инсонларга таҳдид қилиш (кўз қараши, ҳаракатлари билан);
- жисмоний уришишларни сабабчиси бўлиш;
- жанжаллашаётганда ярадор қилувчи предметлардан фойдаланиш;
- инсон ва ҳайвонларга нисбатан бераҳм бўлиш;
- ўзи ёқтирмаган инсоннинг нарсаларини ўғирлаш;
- мол-мулкка атайин зарар келтириш;
- шантаж;
- ота-онанинг рухсатисиз кечкурунлари уйда бўлмаслик;
- уйдан қочиш;
- мактабга бормаслик ёки мактабдан ҳайдалиш.

Агар бу ёшдаги болаларда юқоридаги сифатларнинг камида учтаси, олти ой давомида мунтазам кузатилса, бундай болаларни агрессив хулқ эгаси дейишимиз мумкин.

Шу билан бирга, агар бола (қандай ёш гуруҳига мансублиги бу ерда аҳамиятга эга эмас):

- ота-онасининг биттаси ёки иккалови билан ҳам ёмон муносабатда бўлса;
- ёки болани оилада ҳеч нимага ярамайди деб ҳисоблашса ва бола буни сезса;
- ёки ота-онасини ўзининг ҳиссиётларига бефарқликларини сезса;
- шунингдек, керак вақтда унинг ҳаёти билан қизиқиш ва қўллаб-қувватлаш йўқ бўлса, унда боланинг жиноят оламига кириб қолиши, бошқа болалар билан тил топиша олмаслиги, ўз ота-онасига нисбатан агрессив ҳаракат қилиш эҳтимоли юқори бўлади.

Ўсмир шахсини шаклланиши – мураккаб ва зиддиятли жараён ҳисобланади. Ўсмир ўзини шаклланаётган шахс эканлигини англаб, ота-онаси ва катта ёшлиларнинг қаршилигига қарамай кўпгина муаммоларни мустақил ўзи ечишга даъвогарлик қилади. Ўсмирнинг жисмоний ва

психологик ривожланиши кўпгина янги эҳтиёжларни вужудга келтиради. Ҳаётий тажрибанинг камлиги ўзининг кўпгина ҳатти ҳаракатларини объектив баҳолашга тўсқинлик қилади. Ўсмирларда гуруҳларга бўлиниш, ўз шахсини гуруҳ орқали тасдиқлаш кузатилади, аммо уларнинг ҳатти ҳаракатлари бутун гуруҳнинг установакаларига боғлиқ бўлади.

Ўсмирнинг агрессивлиги ва жазоланиши, шунингдек, боланинг ҳатти-ҳаракатини ота-она томонидан кучли назорат қилинишига оид ўтказилган тадқиқотларни кўрсатишича, шафқатсиз тарзда жазоланиш ўсмирнинг агрессивлигини янада оширади (вояга етмаган жинойтчиларнинг кўпчилиги жисмонан шафқатсизлик билан жазоланадиган ва боланинг ҳиссиётларига бефарқ бўлинган оилаларда тарбияланганлар), назоратнинг камлига эса ижтимоийлашувнинг қийинлашишига олиб келади.

Агрессив бола билан ишлаётганда ота-оналар ва психологлар унинг ички кечинмаларига, ички дунёсига ҳурмат билан қарашлари керак. Катталар томонидан агрессив болаларнинг ички дунёларига нисбатан ижобий эътибор шунинг учун ҳам зарурки, ўсмирни ўзи у ерда йиғилиб қолган салбий ўй-фикрлар, бузғунчи эмоцияларни жиловлай олмайди. Чунки агрессия ортида, асосан, кўнгил қолиш, тан олинмаслик, ҳафсаласи пир бўлиш ётади. Бола шахсини уни ички дунёсини тан олмасдан қилинган ҳар қандай коррекцион ишлар омадсизликка учрайди, сабаби бола сизга нисбатан ишончини йўқотади ва кейинги ишларга қаршилик кўрсата бошлайди.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Мухина В.С. Возрастная психология. –М.: Академия, 2004. –
2. Смирнова Т.П. Психологическая коррекция агрессивного поведения детей. Ростов-на-Дону. 2003. - 160 с.
3. Змановская Е. В. Девиантология. –М.: Академия. 2003. – 288
4. Фалсафа қомусий луғати. –Т.: “Шарқ”, 2004. -496 бет
5. О. Э. Эшмуратов “Оиланинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш имкониятлари”

academic research in educational sciences volume 2 | issue 5 | 2021

ISSN: 2181-1385 Scientific Journal Impact Factor (SJIF) 2021: 5.723 1082-1085 бетлар

6. Eshmurodov, O., & Eshboyeva, B. (2023). O'SMIRLIK DAVRIDA JINSIY STEROTIPLARNING YOSH XUSUSIYATLARI. Журнал Педагогика и психологии в современном образовании, 3(2). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/8388>

7. Elamanovich, O. E. (2022, October). OILAVIY MUNOSABATLARDAGI NIZOLARNING KELIB CHIQUISH SABABLARI. In Archive of Conferences (pp. 1-7).
8. Elomonovich, E. O. (2022). OILA PSIXOLOGIYASINING NAZARIY ASOSLARI, OILAVIY MUNOSABATLAR PSIXOLOGIYASI. *Gospodarka i Innovacje.*, 20, 49-51.
9. Eshmuradov Olmosbek Elamanovich (2021). OILA BARQARORLIGINI SHAKLLANTIRISH OMILLARI. *Oriental renaissance: Innovative, educational, natural and social sciences*, 1 (4), 1318-1323.
10. M. A. Тилакова, & О. Э. Эшмуратов (2021). КРЕАТИВ КОБИЛИЯТЛАРНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМЛАРИ. *Scientific progress*, 1 (6), 143-149.
11. Eshmurodov, O. (2023). SOG'LOM PSIXOLOGIK MUHIT OILA BARQARORLIGINING OMILI SIFATIDA . *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9088>
12. Eshmurodov, O. (2023). ҚИЗЛАРНИ ОИЛАВИЙ ХАЁТГА ТАЙЁРЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ ПСИХОЛОГИК ЖИХАТЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, (I). извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9087>
13. Eshmurodov O. E. SOCIAL-PSYCHOLOGICAL FACTORS OF MAINTAINING FAMILY-MARRIAGE RELATIONS //Galaxy International Interdisciplinary Research Journal. – 2022. – Т. 10. – №. 12. – С. 803-807.
14. Эшмуратов О. Э. ОИЛАВИЙ МУНОСАБАТЛАРДА ШАХС МОСЛАШУВЧАНЛИГИ ХУСУСИЯТИНИНГ ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИГА ТАЪСИРИ: DOI: <https://doi.org/10.53885/edinres.2021.21.57.012> Эшмуратов Олмосбек Эламонович, Термиз давлат университетининг Педагогика институти Психология кафедраси катта ўқитувчиси //Образование и инновационные исследования международный научно-методический журнал. – 2021. – №. 1-Махсус сон. – С. 377-380.
15. Eshmurodov, Olmosbek. "ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ." *Scienceweb academic papers collection* (2022).
16. Эшмуратов О. Э. Оиланинг маънавий-ахлоқий хусусиятлари ва оила мустаҳкамлигини таъминлаш имкониятлари //Academic research in educational sciences. – 2021. – Т. 2. – №. 5. – С. 1082-1085.
17. Эшмуратов, О. Э. "Оилавий муҳит ва оилавий муносабатлар психологиянинг ўрганиш предмети сифатида." *ЎзМУ хабарлари*” Мирзо

Улугбек номидаги Ўзбекистон миллий университети илмий журнали (2019):
162-164

18. Eshmurodov O. ОИЛА МУСТАҲКАМЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ ИЖТИМОЙ-ПСИХОЛОГИК ОМИЛЛАРИ //Scienceweb academic papers collection. – 2022.

9.Eshmurodov, O. (2024). ТАЪЛИМ ТАШКИЛОТЛАРИДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ ЙЎНАЛИШЛАРИ ВА ДОЛЗАРБЛИГИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 148-151. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9838>

20.Eshmurodov, O., & O'roqova, L. (2024). МАКТАБЛАРДА ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИ RIVOJLANTIRISH MASALALARI. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 152-155. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9839>

21.Eshmurodov, O., & Fazliddinova, U. . (2024). КИЧИК МАКТАБ YOSHIDAGI O'QUVCHILARNI O'QISHGA O'RGATISHDA ПСИХОЛОГИК ХИЗМАТНИНГ О'РНИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 169-173. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9840>

22.Fayziyeva, N. (2024). YOSHLARNI OILAVIY HAYOTGA TAYYORLASHNING IJTIMOIIY-ПСИХОЛОГИК МУАММОЛАРИ. *Журнал Педагогика и психологии в современном образовании*, 4(2), 149-155. извлечено от <https://ppmedu.jdpu.uz/index.php/ppmedu/article/view/9805>

